



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2011 йил 20 май, № 99 (5266)

Жума

МАМЛАКАТ

бўйлаб

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар



НАМАНГАН. “Попадонахусулотлари” акциядорлик жамиятида лойиҳа қиймати 575 минг АҚШ долларлик модернизация тадбирлари амалга оширилди.

Кувват ортди, сифат яхшиланди

Натижада бу ерда ишлаб чиқариш қуввати уч баробарга ортиб, маҳсулот сифати янада яхшиланди. Шу билан бирга, илгор технологиялар асосида йилига 42 миллион сўмлик электр энергияси тежаладиган бўлди.

Айтиш керакки, ҳозир корхона жамоаси томонидан кунига 90 тоннагача сифатли ун тайёрланиб, истеъмолчиларга етказиб берилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг биринчи чорагида уларга 2 миллиард 810 миллион сўмлик маҳсулот тортқ қилинди.

К. НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ХОРАЗМ. Урганч шаҳрида металлдан дарвоза, эшик ва дераза ромлари ҳамда панжаралар тайёрлашга ихтисослаштирилган “Галиан Пласт” корхонаси иш бошлади.

Халқаро андозаларга мос

Бунинг учун корхонага 50 миллион сўм маблағ эвазига илгор технологиялар келтирилиб ўрнатилди. Айни пайтда унга яқин иш ўрни яратилган жамоа томонидан ойига ўртача 17 миллион сўмлик халқаро андозаларга мос сифатли маҳсулотлар тайёрланмоқда.

Умуман, жорий йилнинг ўтган уч ойида Урганч шаҳридаги шу каби корхоналар томонидан 36 миллиард 968 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилди.

О. РАХИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

СУРХОНДАРЁ. Шеробод туманидаги “Бўри қизи Роҳат момо” хусусий корхонаси жамоаси ўз фаолиятини кенгайтирди. Натижада бу ерда ишлаб чиқариш ҳажми икки баробарга ортди.

Имтиёзли кредит меваси

Янги лойиҳани амалга ошириш учун банкнинг 100 миллион сўмлик кредитидан фойдаланилди. 15 та қўшимча иш ўрни яратилган корхонада ўтган қисқа муддатда 200 миллион сўмлик болалар кийим-кечаклари, спорт либослари ҳамда костюм-шим каби тикувчилик маҳсулотлари тайёрланди.

Таъкидлаш керакки, шу йилнинг биринчи чорагида вилоятдаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан уч мингдан зиёд иш ўринлари яратилди.

О. УСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

САМАРҚАНД. Пастдарғом туманида “Қишлоқ қурилиш сервис” масъулияти чекланган жамияти фаолияти йўлга қўйилди.

Йилига 30 миллион дона пишқ пишқ

“Қишлоқ қурилиш банк”нинг вилоят филиалидан ажратилган 1,2 миллиард сўм миқдоридagi кредитдан самарали фойдаланилган натижада бу ерда йилига 30 миллион дона пишқ пишқ ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Элликка яқин иш ўрни яратилган корхонада дастлабки ойда қарийб 2 миллион дона деворбоп қурилиш материаллари тайёрланиб, намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилаётган уй-жойлар қурилишига етказиб берилди.

А. САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ИМКОНИЯТИ КЕНГ, ИСТИҚБОЛИ ЁРУФ



Хосан ПАЙДОВЕ олган сурат.

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманида шундай бир мактаб бор. Бу ерда оддий мактаб либосидаги ўқувчилар билан бир қаторда махсус кийинган ўсмирларга ҳам кўзингиз тушади. Қарашлари тийрак, қадамидан ўт чақнайди-ган бу болалар бўлажак юрт ҳимоячилари — 58-умумтаълим мактабининг ҳарбийлаштирилган спорт синфлари ўқувчиларидир.

Улар бошқа ўқувчилардан фарқи ўларок, ҳарбий машқлар, спорт-соғломлаштириш машғулотлари билан мунтазам шуғулланадилар. Куннинг биринчи ярмида умумтаълим дастури

асосида дарс ўтиша, тушдан сўнг уларнинг “ҳарбийча” ҳаёти бошланади. Турли машғулотлар, мусобақалар, кўрик-танловлар, бошланғич ҳарбий

Изланиш

таълим сабоқлари уларнинг кундалик ҳаёт тарзига айланган.

— Ўқувчиларимиздаги ҳарбийликка бўлган ҳавас, иштиёқни кўриб қувонсан,

— дейди мактаб директори С. Худойкулиева. — Айниқса, мактаб, туман ва шаҳар миқёсида ўтказиладиган спорт мусобақаларига ҳафсала билан тайёргарлик кўришлари ва ҳамisha голиб бўлишга интилишлари уларнинг келажаги порлоқлигига ишончингизни янада оширади.

(Давоми 2-бетда).

ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИ

аҳоли бандлигини таъминлаш ва фаровонлигини юксалтириш гаровидир

Мустақиллик йилларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, фермерлик ҳаракатини ривожлантириш, хусусий секторнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидagi улушини оширишга қаратилган тизимли ва тадрижий чора-тадбирлар ижро этилиб боришмоқда. Чунончи, хусусий секторнинг эркин ва мустақил ривожланишини таъминлайдиган зарур ҳуқуқий асослар яратилди ва улар фаол такомиллаштириб боришмоқда.

Бу саъй-ҳаракатлар самараси ўларок, ушбу тармоқнинг мамлакатимиз иқтисодий таъини ривожлантиришдаги ўрни тобора кенгаймоқда. Агар 1991 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши бор-йўғи 2 фоизга ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 2000 йилда 31 фоизга, 2010 йил якунларига келиб эса, 52,5 фоизга етди. Ҳозирги кунда мамлакатимиздаги иш билан банд аҳолининг 74 фоиздан ортиғи айнан шу соҳада меҳнат қилаётгани ҳам иқтисодий таъини ривожлантиришдаги ўшбу сектори одамларни барқарор даромад манбаи билан таъминлаш ва уларнинг турмуш даражаси ҳамда фаровонлигини оширишда муҳим аҳамият касб этаётганининг яқоқ далолатидир. Қолаверса, биргина 2010 йилнинг ўзида кичик бизнес ва хусусий тад-

биркорликни, фермерликни ривожлантириш натижасида мамлакатимизда 480 мингта иш ўринлари ташкил этилди. Уларнинг 60 фоизи қишлоқ жойларда яратилганлиги, айниқса, эътиборлидир. Буларнинг барчаси юртимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва янги босқичга олиб чиқишда зарур бўлган сиёсий, иқтисодий ҳамда ижтимоий шaroит шаклланиши ифода-сидир. Албатта, эришилган ютуқ ва натижалар кўламини янада кенгайтириш, соҳага янги ҳуқуқий муносабатларни жорий этишни даврнинг ўзи талаб қилмоқда. Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис палаталарининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган кўшма мажлисида илгари сурган Мамлакатимизда демократик ислохотлар-

лар амалга оширилмоқда, бу борадаги халқаро ҳуқуқ ва миллий кадриятларимиз, тажрибаларимиз таҳлил қилинмоқда. Умуман, оилавий тадбиркорлик оила аъзолари томонидан биргаликда бошқариш ва тасарруф этиш ҳуқуқи бўйича фаолият юритиладиган тадбиркорлик субъектидир.

Бугунги кунда оилавий тадбиркорликка бандлигини таъминлаш, аҳоли фаровонлигини юксалтиришнинг энг муҳим омилларидан бири сифатида қаралмоқда. Уни иқтисодий таъини таянчи ва ҳаракатлантирувчи кучи сифатида эътироф этишларининг боиси ҳам, аслида, мана шунда. Оилавий бизнеснинг ўзига хослиги шундаки, у кўп асрлик оилавий аъёнлар, қадриятлар билан уйғун ривожланади. Мисол учун, Буюк Британиядаги оилавий бизнес корхоналарининг тўртдан бири қисми қўриб турта авлоддан бери ўтиб келар экан. Швецияда меҳнат билан банд аҳолининг 61 фоизи оилавий тадбиркорлик соҳасида ишлаётгани ҳам унинг нечоғли катта аҳамиятга эга эканлигидан далолатдир.

(Давоми 2-бетда).

Сайловлар давом этмоқда

Қашқадарё вилоятида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловларида 612 нафар оқсоқол ва уларнинг 5600 дан ортиқ маслаҳатчиларини сайлаш кўзда тутилган бўлиб, жараёнлар қонунийлик, адолат, очиқ ва ошкоралик тамойиллари асосида ўтказилмоқда.

ҚОНУНИЙЛИК ВА ОШКОРАЛИК

фуқаролар йиғинлари оқсоқоли сайловининг асосий тамойили

Маълумки, “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги Қонунда оқсоқол лавозимига ушбу маҳалла ёки қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи, халқ орасида обрў-эътиборли, раҳбарлик ва ташкилотчилик қобилиятига, ҳаётий ва ҳўжалик фаолиятини юритиш тажрибасига эга, юрт ва жамоат ишларида фидойи номзодлар танлаб олиниши белгилаб қўйилган. Ўтаётган сайловларда ушбу жиҳатларга асосий эътибор қаратилмоқда. Шу кунгача вилоятдаги 194 та фуқаролар йиғинида бўлиб ўтган сайловлар натижалари ана шундан далолат бериб турибди.

Сайловлар олдиндан “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги, “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонунларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига тушунтириш юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилди, — дейди вилоят кўмаклашувчи комиссия аъзоси, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати И. Абборов. — Жумладан, сенатор ва депутатлар, олим ва экспертларнинг матбуотда, радио ва телевидениеда чиқишлари уюштирилди, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари иштирокида давра суҳбатлари ва семинарлар ўтказилди. Ушбу саъй-ҳаракатлар самараси ўларок, бугунги кунда фуқароларимиз сайловлар жараёнида фаол иштирок этишмоқда.

Бугунги сайловларнинг илгаригиларидан фарқи фақат шу маҳаллада исти-

қомат қиладиган, олий маълумотга, кўп йиллик раҳбарлик фаолияти ва ҳаётий тажрибага эга бўлган номзодлар танлаб олинмоқда. Айни чоғда сайловнинг барча босқичларида очиқлик ва ошкоралик таъминланаётган. Юртимизда давлат ва жамият қурилишини ҳар жиҳатдан демократлаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш борасидаги ишлар тобора чуқурлашиб бораётган ҳозирги даврда ушбу сайловларнинг демократик тамойиллар асосида ўтиши муҳим аҳамиятга эга. Дарҳақиқат, аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш, маҳаллий ҳокимият органлари фаолияти устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини таъминлашда оқсоқол ва унинг маслаҳатчилари салоҳияти муҳим омил ҳисобланади.

Бундан ташқари, давлат бошқаруви органлари, корхона, муассаса ва ташкилотлар билан ҳамкорликда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, пенсионер ва имконияти чекланган шахсларга хизмат кўрсатишни янада кучайтириш, худудда тартибни сақлаш каби долзарб вазифаларни бажаришда ҳам маҳалланинг роли муҳимдир. Шу боис вилоятдаги бошқа фуқаролар йиғинларида ҳам ушбу ижтимоий-сиёсий тадбирларни юксак даражада ташкил қилиш ва ўтказиш юзасидан тайёргарлик ишлари давом эттирилмоқда.

А. МУҲАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ТОШКЕНДА КУРАШ БАЙРАМИ

Пойтахтимизда эркин, юнон-рум ва хотин-қизлар кураши бўйича Осиё чемпионати бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон спорт курашлари ассоциацияси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур нуфузли мусобақанинг очилиш маросимида Президентимиз Исрол Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда аҳолини,

Эркин ва юнон-рум кураши юртимизда кенг оммулашган Олимпия спорт турларидан. Мамлакатимизда турли йилларда эркин, юнон-рум ва хотин-қизлар кураши бўйича ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпионати, кадетларнинг Осиё чемпионати, биринчи ўсмирлар Олимпиа-

«Осиё чемпионати — 2011»

айниқса, ёшларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ёш авлодни баркамол инсонлар этиб воғна етказиш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Бундай ғамхўрлик самараси ўларок, жаҳон арена-ларида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётган спортчилар сафи тобора кенгайиб, Ўзбекистон спорт жадал ривожланаётган мамлакат сифатида халқаро миқёсда кенг эътироф этилмоқда.

— Ўзбекистонда барча спорт тадбирлари юксак савияда ташкил этилишига кўп бор гувоҳ бўлганман, — дейди Халқаро спорт курашлари федерацияси — ФИЛА президенти Рафал Мартинетти. — Осиёнинг кўп-қул истаъодли курашчиларини жаллаган бу галги мусобақа ҳам ана шундай нуфузли турнирлардан бирidir.

дасининг Осиё саралаш турнири каби нуфузли мусобақалар юқори савияда ташкил этилган. Айниқса, пойтахтимизда 1997 йилдан бўён ўтказиб келинаётган ва дунёнинг нуфузли халқаро турнирларидан бири сифатида Халқаро спорт курашлари федерацияси — ФИЛАнинг “Олтин Гран-при” туркумига кирувчи “Ўзбекистон Мустақиллиги кубоги” мусобақаси жаҳон спортда юқори мавқега эга.

Ўзбекистонлик полвонлар Олимпия ва Осиё ўйинлари, Жаҳон ва китъа чемпионатларида мунтазам совринли ўринларни эгаллаб келмоқда. Мамлакатимиз эркин ва юнон-рум курашчилари спорт оламининг энг нуфузли мусобақаси — ёзи Олимпия ўйинларида учтадан олтин ва кумуш медалларга сазовор бўлган.

(Давоми 2-бетда).

Роғун ГЭСи — минтақа халқлари келажагига таъдид

Сўнгги пайтларда Тожикистон раҳбариятининг ташаббуси билан Роғунда бошлаб юборилган улкан ГЭС қурилиши ҳамда унинг келтириб чиқариши мумкин бўлган муҳдих оқибатлари ҳақида бот-бот гапирилмоқда. Албатта, бундай маълумотлар ҳеч кимни, айниқса, шу минтақада яшаётган халқларни бефарқ қолдирмайди. Битта мақолада ушбу муаммони батафсил таҳлил қилишнинг эса имкони йўқ. Шу боис мен унинг айрим техник-иқтисодий, қисман экологик ва ҳуқуқий жиҳатларига эътиборингизни қаратмоқчиман.

Бугунги кунда дунёда ишлаб чиқарилаётган умумий электр энергиясининг 20 фоизга яқини гидроэлектростанциялар — ГЭСлар ҳиссасига тўри келади. Бу борада энг олдинда Исландия давлати бормоқда, Норвегияда мазкур кўрсаткич 98 фоизга тенг бўлса, Канада ва Швецияда ҳам шунга яқин, Парагвайда эса тўлиқ ГЭСлар имкониятидан фойдала-

нилади. Таъкидлаш жоизки, Хитой дунёда электр энергиясини энг кўп истеъмол қиладиган давлат ҳисобланади. Кейинги йилларда ушбу мамлакатда ГЭСлар қурилиши юксак суръатларда олиб боришмоқда. Бироқ бу ерда қанчалик эҳтиёж юқори бўлмасин, Тожикистондан фарқи ўларок, асосан, кичик-кичик ГЭСлар қуришга алоҳида эътибор берил-

Холис назар

бўлган, 11 миллиондан ортиқ аҳоли жиддий зарар кўрган эди. Шу маънода, бугун Хитойни кичик ГЭСлар мамлақати, десак ҳам бўлади. Ҳақиқатан ҳам, мазкур давлатда жаҳонда мавжуд бўлган кичик ГЭСларнинг ярмидан кўпи жойлашган.

Техник параметрлари ва ишлаб чиқариш қувватларига қараб, ГЭСлар уч тоифага бўлинади.

Дастлабки тоифага катта қувватга эга ГЭСлар киритилиб, улар 25 МВт ва ундан юқори, ўртачаси — 25 МВтгача ва кичик ГЭСлар — 5 МВт қувватга эга бўлади. Шунингдек, гидроэлектростанциялар сув босимига қараб ҳам уч тоифага ажратилади. Дастлабки-си юқори босим остида ишловчи ГЭСлар бўлиб, бундай қурилмаларга сув 60 метр ва ундан юқори баландликдан келиб тушади, ўртача босим остида ишловчи ГЭСларга эса сув 25 метр юқоридан тушиши белгиланган. Паст босим остида ишловчи ГЭСлар — 3 метрдан то 25 метргача баландликдан тушувчи сув оқимлари босими остида ишлайди.

Тожикистон ҳукумати томонидан қурилиши мўлжалланаётган

(Давоми 2-бетда).

ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Халқаро оилавий тадбиркорлик тадқиқотлари академиясининг ўрганишича, бугунги кунда ривожланаётган давлатлар иқтисодийотида оилавий бизнес изчил тараққий этиб бормоқда. Чунончи, кўпга ривожланаётган давлатларда ялпи ички маҳсулот таркибиде оилавий бизнеснинг улуши 55 фоизгача етар экан. Буларнинг барчаси юртимизда ҳам оилавий тадбиркорликнинг ҳуқуқий асосларини яратishi зарурат эканлигини кўрсатади. Зеро, бизнеснинг мазкур тармоғини ривожлантириш учун мамлакатимизда барча шарт-шароит, тажрибалар мавжуд. Аввало, жойларда оилавий сўлолалар томонидан узоқ йиллар давомида шуғулланиб келинаётган оилавий касб-корлар, яъни касиблик, дурадгорлик, новвойлик, асарларчилик, балиқчилик, чорвачилик, дехқончилик, пиллачилик, богдорчилик, узумчилик, хунармандчилик, мискарлик, кўнчилик, заргарлик, наққошлик, кулоллик, ёғоч ўймакорлиги, йўрмачилик, пичоқчилик, тўки-маччилик, пўстиндўзлик сингари йўналишларда оилавий бизнес субъектларини ташкил этиш ва ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бир қаторда, аҳолига маиший хизмат кўрсатишда ҳам оилавий тадбиркорлик субъектларини йўлга қўйиш айна мудидадир.

Албатта, янги қонун лойиҳасини тайёрлашда айнан оилавий бизнеснинг ўзига хос жиҳатларидан келиб чиқиб, бир қатор масалаларга эътибор қаратиш лозим.

Аввало, оилавий тадбиркорлик субъекти сифатида рўйхатдан ўтиши мумкин бўлган фаолият турларини аниқ белгилаш, бундай тузилмаларни давлат

аҳоли бандлигини таъминлаш ва фаровонлигини юксалтириш гаровидир

рўйхатидан ўтказишда бюрократик тўсиқларнинг олдини оладиган тартибларни жорий этиш, ҳуқуқий мақомини аниқлаштириш талаб этилади. Бунда, айниқса, давлатимиз раҳбари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш тартибини такомиллаштириш бўйича кўрилатган чора-тадбирларга суяниш, айна пайтда халқаро тажрибанинг илғор ютуқларидан фойдаланиш зарур.

Шу билан бирга, оилавий тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, айна чоғда оила аъзоларининг ушбу тадбиркорлик субъекти фаолияти доирасидаги муносабатларини аниқлаштириш зарур. Бунда оила аъзолари қўйидаги ҳуқуқларга эга: корхона бошқарувида, қарорлар қабул қилишда, молиявий-ҳўжалик фаолиятини назорат қилишда қатнашиш; бир-бирининг ҳуқуқларини қисман ёки тўлиқ ифода этиш; корхона низомида белгиланган тартибда қўрилган даромаддан улуш олиш; айна пайтда оилавий корхона таркибидан чиқаётганда корхона низомидан қўрсатилган тартибда компенсация олиш; ижтимоий сўғурга қилиниш ва иш давларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меҳнат стажига қиритиш; амалга оширилаётган фаолият турига мувофиқ бўлган буюмлар ёки товарлар (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш, шунингдек, уларни мустиқил равишда ёки қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқача тарзда сотиш; амалга оширилаётган фаолиятдан олинган даромаднинг барча солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан кейин, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасарруф этиш; Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда бош-

қа имтиёз ва ҳуқуқлардан фойдаланиши мумкин.

Оилавий корхона мулкдорлари айна пайтда оилавий тадбиркорлик субъекти фаолиятида шахсий меҳнати билан қатнашиш лозим, яъни оилавий тадбиркорликни амалга оширишда вақтинчалик ишларни бажариш учун оила аъзолари ҳисобланмайдиган фуқаролар жалб этилмаслиги керак. Корхонанинг мулкий мажбуриятлари, чунончи, тўлов қобилияти йўқолган ҳолатларда ўз шахсий мулки билан яқдил жавобгар бўлиш мажбуриятига эга бўлмоғи лозим. Шунингдек, оилавий тадбиркорликда ишловчи ходимлар, яъни оила аъзолари доимий ишловчи ходим сифатида эътибор этилиб, меҳнат дафтаричаси юритилиши керак.

Айна пайтда “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги қонун лойиҳасида Фуқаролик, Меҳнат кодекслари, “Бола ҳуқуқларининг қафолатлари тўғрисида”ги Қонунда белгиланган тартиб-таомиллар асосида меҳнат ва ўзаро мулкий муносабатларни аниқлаштириш зарур.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур қонуннинг ҳаётга татбиқ этилиши бир қатор вазифаларни ҳал этишда қўл келади. Хусусан, мамлакатимизда амалга оширилаётган бозор иқтисодиёти ислохотлари шароитида мулкдорлар синфининг кенгайишига қулай шарт-шароит яратилади. Шунингдек, аҳоли бандлигини таъминлаш ва фаровонлигини юксалтиришдек залворли юмушларни оддий механизмлар асосида ҳал этиш мумкин бўлади. Қолаверса, узоқ йиллик кадрятларимиз, миллий аънаъларимизнинг ҳам изчил ривожланишини таъминлайди.

Э. БОЙНИЁЗОВ,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

(Давоми. Боши 1-бетда).

ТОШКЕНДА КУРАШ БАЙРАМИ

риланг ишончи оқлаш ва Ватанимиз шанини муносиб ҳимоя қилиш бизнинг фарзандлик бурчимиздир.

Ўзбекистонда малакали спортчиларни тарбиялашнинг ўзига хос тизими яратилган. Нафақат шаҳар ва туман марказларида, балки чекка қишлоқларда ҳам замонавий спорт иншоотлари қурилиб, жаҳон талаблари даражасида жиҳозланмоқда. Ўғил-қизларга тажрибали мураббий ва мутахассислар устозлик қилмоқда. Ана шундай эътибор ва ғамхўрликдан баҳра олиб воқеа етаётган ёш спортчилар, жумладан, истеъдодли курашчиларимиз ҳам халқаро майдондаги мусобақаларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилмоқда. Ўтган йили Сингапурда илк мартабага ўтказилган ўсмирлар ўртасидаги Олимпия ўйналарида юн-рум курашчиларидан Нурбек Жаққулов кумуш, Руслан Комилов бронза, эркин курашчи Дибёрбек Эргашев ҳамда хотин-қизлар кураши бўйича Нилуфар Гадоева бронза медални қўлга киритди.

“Ўзбекистон” спорт мажмуасида бошланган Осиё чемпионатида қитъамизнинг йигирмадан зиёд мамлакатидан икки юз нафардан ортиқ спортчи голиблик учун куч синашмоқда. Уларнинг орасида Олимпия ва Осиё ўйналари, жаҳон ва қитъа чемпионатлари голиб ва совриндорлари кўпчилигини ташкил қилади. Нуфузли мусобақанинг эркин ва юн-рум кураши бўйича беллашувларда мамлакатимиз шарафини Дилшод Орипов, Азиз Муродов, Элдор Ҳафизов, Артур Таймазов, Қурбон Курбонов, Заурбек Соҳиев, Ихтиёр Наврўзов каби тажрибали полновларимиз билан бир қаторда истеъдодли ёш спортчилар ҳам ҳимоя қилмоқда. Хотин-қизлар курашида эса Нилуфар Гадоева, Гулмира Исматова, Гавхар Мирзаева, Мафтун Миралиева, Саломат Қўчимова ҳамда Ойимгул Алламуродова гиламга чиқади.

Мусобақанинг очилиш маросимини Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Арипов иштирок этди.

Зоҳир ТОШЎЖАЕВ,
ЎЗА мухбири.

ТУПРОҚ УНУМДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

қишлоқ хўжалигида самарадорликка эришишда муҳимдир

Халқимизда “Сен ерга меҳр берсанг, у сени боқад” деган ҳикमतомуз ғал бора. Бу бежиз айтилмаган. Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамоллигида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, шу жумладан, ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш ҳамда тупроқ унумдорлигини ошириш йўлида олиб борилаётган ислохотларнинг боиси ҳам ана шунда.

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси томонидан “Ердан оқилона фойдаланиш ҳамда тупроқ унумдорлигини оширишнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш” мавзусида ташкил этилган амалий семинарда айнан шулар ҳақида сўз борди. Унда қўйи палата депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари, мутахассис-экспертлар ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этди.

Анжуман қатнашчилари таъкидлаганларидек, мамлакатимизда ерларни муҳофаза қилиш, унинг унумдорлигини сақлаш, тиклаш ва оширишга доимо долзарб масала сифатида қараб келинмоқда. Истиқбол йилларида Ер кодекси, “Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширак хўжалиги) тўғрисида”, “Фермер хўжалиги тўғрисида”, “Дехқон хўжалиги тўғрисида”, “Давлат ер кадастри тўғрисида”, “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги қонунларнинг қабул қилиниши бу борадаги фао-

лиятнинг қонуний асосларини мустаҳкамлади.

Айна чоғда экологик вазирнинг тобора ўзгариб бориши бошқа тармоқлар қаторида ушбу соҳада ҳам кенг қўламли чора-тадбирларни амалга оширишни тақозо этмоқда. Айтиш керакки, бу

йўналишдаги ишларнинг қўламли йил сайин кенгайиб бораётганига қарамадан, суғориладиган ерларнинг мавжуд мелiorатив ҳолати катта таъшир уйғотмоқда. Шунинг учун қишлоқ хўжалигига киритилаётган инвестициялар ҳажмини кўпайтириш, айна пайтда уларнинг самарадорлигини ошириш, соҳага замонавий технологиялар ва техникаларни жорий этиш борасидаги ишларни тартибга солиш катта аҳамиятга эга. Бугунги кунда республика бўйича корхона, ташкилот, муассасалар, фермер хўжа-

ЛОЙИХАЛАР САМАРАСИ

амалий ишларда яққол кўзга ташланмоқда

Бунда, айниқса, турли йўналишларда жорий этилаётган лойиҳаларнинг аҳамияти катта бўлаётди. Хусусан, ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партиясининг соҳани ривожлантиришга қаратилган қўшма лойиҳаси доирасида талайгина ишлар амалга оширилмоқда.

Кўни кеча пойтахтимизда

олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди.

Шу ўринда айтиш керакки, тижорат банклари томонидан 2011 йилнинг тўрт ойи давомида кичик бизнес вакилларига ахратилган кредитлар миқдори ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,4 баробар ошиб, 1,1 триллион сўмга етди. Нобан ташкилотларнинг бу борадаги улуши эса 108 миллиард сўмни ташкил этиди. Тижорат банкларининг барча филиалларида “Тадбиркорлар хонаси” фаолияти йўлга қўйилгани, олий ўқув юртлири ва касб-хунар коллежлари битирувчилари учун “Диплом билан — бизнесга” номли ўқув курслари ташкил этилаётгани бундай ишларни янада жадаллаштиришга хизмат қилаётди. Масалан, “Диплом билан — бизнесга” лойиҳасида шу кунгача 1450 нафардан зиёд ёш иш-қизлар иштирок этган бўлса, ҳозир 124 нафар битирувчининг бизнес-режаси мутахассислар томонидан кўриб чиқилмоқда.

Анжуманда иштирокчилар, шунингдек, ташкил этилган кўргазма орқали банк хизматлари билан яқиндан танишиш имконига ҳам эга бўлдилар.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ИМКОНИЯТИ КЕНГ, ИСТИҚБОЛИ ЁРУФ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Дарҳақиқат, тумандаги “Альфа тренинг” масъулияти чекланган ҳамияти билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу синфларда ўқувчилар дарсдан ташқари вақтларини мазмуни ўтказишлари учун барча шароитлар яратилган. Жумладан, мактабдаги спорт залидан тортиб, барча ўйин-гоҳлар тўлиқ таъмирланган бўлиб, ўқувчиларнинг спорт-соғломлаштириш машғулотлари билан шуғулланишлари учун барча имкониятлар

мўжай қилинган. Бу ердаги “Еш альпинистлар” тўғрагида эса махсус тоғли шаҳарча ҳам барпо этилган.

Харбийлаштирилган спорт синфларида машғулотларда иштирок этаётган бу ўсмирлар орасида фан олимпиадаси, шаҳар ва республика миқёсидаги, жумладан, “Яшил чирок”, “Сеҳри ёғду”, “Тоғ туризми” танловлари голиблари бор. Бундан ташқари, машғулотлар жараёнида замонавий ахборот-телекоммуникация технологияларидан кенг фойдаланила-

дани, бу ўқувчиларнинг замон билан ҳамнафас, дунёда кечаётган воқеа-ҳодисалардан хабардор бўлишларида муҳим аҳамиятга эга. Мактабдан қайтаётиб, яна орта қараимиз: ана, бошларини адл кўтарган, нигоҳлари олис-олисларга тийган боққан, махсус кийимларда бирдай саф торган нафисвор авлод. Уларга қараб, юртимиз келажоғи порлоқ, осмон мусаффо, халқимиз ҳаёти бундан чароғон бўлишига яна бир бор ишонсан, киши.

М. ХОЛМАТОВА.

Семинар

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан солиқ тўловларининг ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш боробарида, аҳолининг ушбу йўналишдаги ҳуқуқий билимларини оширишга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишларига ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Кўни кеча пойтахтимизда ана шундай тадбирлардан бири бўлиб ўтди.

СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки, Давлат божхона ва Статистика қўмиталари билан ҳамкорликда ташкил этилган кўргазмали семинар шаклидаги мазкур учрашувда олий ўқув юртлири, илмий тадқиқот институтлари вакиллари ҳамда 400 нафарга яқин тадбиркорлар иштирок этди. Унда мутахассислар йигилганларга Президентимизнинг 2011 йил 4 апрелдаги “Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ҳамда шу йил 12 майдаги “Тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори мазмун-моҳиятини тўшунтирилди.

Тадбирда ўтган йил якуни бўйича солиқ мажбуриятларини ўз вақтида бажарган 28 нафар “Энг яхши солиқ тўловчи”га Давлат солиқ қўмитасининг Фахрий ёрликлари топширилди.

Давлат солиқ қўмитаси Ахборот хизмати.

ЭНГ ЯХШИ ИННОВАЦИОН БИЗНЕС ҒОЯЛАР

Мустиқиллик йилларида мамлакатимизда ёшларга эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, навқирон авлодни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳаётини муҳим манфаатларини таъминлаш энг устувор масалага айланган.

“Ўзсаноатқурилишбанк” очик акциядорлик тижорат банки томонидан Тошкент давлат иқтисодиёт университети билан ҳамкорликда ташкил этилган «Энг яхши инновацион бизнес ғоя» танлови ана шу эзгу мақсадга қаратилди. Ишлаб чиқаришга янги ва самарали инновацион ғояларни жалб этиш ҳамда олий ўқув юрти талабаларининг бизнес лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш учун ўтказилган ушбу танловда 120 нафарга яқин йигит-қиз иштирок этди.

Табиийки, бундай танловларнинг ташкил этилиши кўпга ишланма ва лойиҳаларни рўёбга чиқариш имконини беради. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари янги ғоялар асосида ўз хизматлари ва махсулотлари сифатини яхшилашдан, иштироки ёшлар эса уларни амалда ўзлаштиришдан манфаатдор.

Танлов жараёнида асосий эътибор ушбу лойиҳаларнинг иқтисодий долзарблиги, кичик бизнесни ривожланти-

ришдаги аҳамияти ва янги иш ўринлари яратиш имкониятларига қаратилди. Тақдим ни яратишга оид ўнлаб лойиҳалар кўпчилигининг эътиборини тортиди.

2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили



Этилган ишлар орасида туризм соҳасини ривожлантириш, компьютер тармоқларини симсиз улаш хизматини кўрсатиш, маҳаллий хом ашёдан қозғош ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, кўп қаватли автотомобиллар тўхташ жойлари-

чи ўринларни қўлга киритишди. Голиб ва совриндорларга замонавий компьютерлар ҳамда пул муқофотлари топширилди.

**Ф. САНАЕВ,
Х. ПАЙДОЕВ
олган сурат.**

Роғун ГЭСи — минтақа халқлари келажоғига тақдид

ликлардан бири, мазкур ГЭС қурилатган хулуддан унча узоқ бўлмаган Федченко музликнинг эриши оқибатида содир бўладиган экологик вазиятни ҳомчўт қилиб, жиддий хавотирга тушишмоқда. Айнан шу хулудда Роғун ГЭСидек улкан иншоотнинг барпо этилиши эса бу хавотирни ваҳимага айлантирмақда. Бироқ мазкур ҳаракатлар оқибатида наинки Марказий Осиё, балки бутун дунёда экологик мувозанат издан чиқиб туриши Тожикистон расмиилари, мутахассислари ҳисобга олишмапта.

Давлатлараро дипломатияда манфаатлар мувозанати эътиборга олинини халқаро ҳуқуқнинг муҳим тамойилларидан саналади. Қўридаги муаммонинг ҳал этилишида Ўзбекистон раҳбари ва ҳукумати халқаро ҳуқуқ нормаларидан келиб чиққан ҳолда, масалага дунё ҳамжамияти эътиборини қаратиб келмоқда. Юртбошимизнинг бошқа мамлакатлар раҳ-

барлари билан олий даражадаги қандай учрашуви бўлмасин, албатта, ушбу муаммога алоҳида эътибор берилди. Президентимизнинг Россия, Хитой, Қозғистон, Туркманистон, АҚШ, Европа Иттифоқи ва бошқа давлат ҳамда ташкилотлар раҳбарлари билан бўлган учрашувларидаги музокаралари бун-

гунги кунда ер юзиде иқлимнинг глобал ўзгариши, табиий офатлар сони ва қўлами кенгайишига сабаб бўлаётган бир пайтда инсониятнинг улкан иншоотларини барпо этиш билан боғлиқ масалаларда ушбу масъулиятни кескин ошириш лозим, деб ҳисобланиши. Бу жаҳонда энг йирик — Роғун ГЭСини

қуришга интилаётган Тожикистон ҳам тааллуқлидир. Тожикистон бу улкан иншоотни барпо этишдан кеч қилиш лозим”.

Жорий йилнинг 25 мартда Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан, Катта тўғонлар халқаро комиссияси билан ҳамкорликни ташкил этиш ва унда Ўзбекистон Республикаси манфаатларини ифодалаш мақсадида Ўзбекистон катта тўғонлар миллий қўмитаси ташкил этилди. Ўзбекистон Республикасининг катта тўғонлар хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги манфаатларини, трансчегаравий сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича нуқдани назарини илгари суршиш, бошқа мамлакатлар тажрибасини ўрганиш, уларнинг миллий қўмиталари билан илмий, техникавий ҳамда бошқа ахборотлар алмашиш орқали тўғонлар хавфсизлигини таъминлаш тизимини такомиллаштириш, катта тўғонлар

рияти ва ҳукумати ушбу муаммонини халқаро ҳуқуқ нормалари доирасида дунё ҳамжамияти эътиборини жалб этган ҳолда ҳал этишга ҳаракат қилмоқда.

Шу ўринда мақоламизда кўтарилган масалаларга тааллуқли қўйидаги икки халқаро Конвенция — Трансчегаравий очик сув оқимлари ва халқаро қўламини муҳофаза қилиш ҳамда фойдаланиш бўйича Конвенция (Хельсинки, 1992 йил 17 март) ва Халқаро очик сув оқимларидан кемалар қатнамайдиغان турда фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги Конвенция (Нью-Йорк, 1997 йил 21 май) нормаларини таъкидлаб ўтиш ўринлидир. Ушбу Конвенцияларда трансчегаравий дарёлардан қандай фойдаланиш, вужудга келган муаммоларни ҳал этиш каби масалалар белгилаб қўйилган. Масалан, Нью-Йорк Конвенциясининг 6-моддаси 1-қисмида халқаро сув оқимларидан адолатли ва оқилона фойда-

Икромжон МАРДАНОВ,
Ўзбекистон ҳақамлик судлари асоциацияси Тошкент шаҳар филиали бошлиғи.

ЖАҲОН ИЧИДА

24 соат

“Гиннеснинг рекордлар китоби” расмий сайти бразилиялик 114 ёшли Мари Гомес Валентин Ер юзидagi энг кекса киши сифатида рўйхатга олинганини маълум қилди.

САМОЛЁТ ҲАЛОКАТГА УЧРАДИ

Аргентинада унчалик катта бўлмаган самолёт ҳалокатга учради. Маҳаллий “С5N” телеканали хабарига кўра, кўнгилсизлик мамлакат пойтахти Буэнос-Айрес шаҳридан 1850 километр олдига, жануби-ғарбий ҳудудда юз берган. Оқибатда унинг бортида бўлган 19 нафар йўловчи ва уч нафар экипаж аъзоси ҳаётдан кўз юмган. “Sol” авиакомпаниясида тегишли мазкур ҳаво лайнери маҳаллий нефть компанияси ходимларини олиб кетаётган эди.

ТОШҚИН КЕЛТИРГАН ЗАРАР

Колумбияда сурункали ёққан ёмғир сув тошқинларини келтириб чиқарди. Табиатнинг бу инжиқлиги оқибатида 452 киши қурбон бўлган, 3,4 миллион нафар аҳолининг эса одатий ҳаёт тарзи издан чиққан. Кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилаётган қарийб 1,2 миллиард гектар экин майдони сув остида қолган. Минглаб қорамол ва ярим миллиондан ортиқ парранда нобуд бўлган. Ўнлаб йирик трасса ва кўприклар яроқсиз ҳолга келган.

БОЗОРИ КАСОД БЎЛДИМИ?

Жорий йилнинг январь — апрель ойларида Европа автомобил бозорига янги машиналар савдоси ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 2,7 фоизга пасайган. Бу борада, айниқса, Испания, Франция, Буюк Британия ва Италиядаги аҳвол ёмон. Масалан, Испанияда янги автомобиллар сотуви 23 фоизгача тушиб кетган.

Тахлилчиларнинг изоҳлашича, ушбу давлатларда ҳукумат томонидан жорий этилган утилизация дастури муддатнинг тугани ҳамда инфляция даражаси ўсиб, аҳолининг харид қобилияти камайгани ана шундай салбий ҳолатни келтириб чиқарган.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди. Кафолат — 2 йил ёки 50 000 км. МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН. NEW THINKING. NEW POSSIBILITIES.

Юртимизга келган меҳмонлар билан суҳбатлашсангиз, улар, энг аввало, бозорларимиздаги тўқинлик, мўл-кўлчилик ва нарх-навонинг арзонлигини ўзгача бир мамнуният билан эътироф этишади. Чиндан ҳам, йилнинг қайси фаслида бўлмасин, юртимиз деҳқон ва боғbonлари томонидан тортиқ қилинган шириндан-шакар мевалар, сархил сабзавот, полиз ва резавор маҳсулотлари расталардан аримайди. Айниқса, пишиқчилик мавсумида деҳқон бозорлари кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан тўлиб-тошади.

ҚУЛУПНАЙ НЕГА ТАХИР?

Кулупнай — янги мавсумнинг элчиси. Тарозига тушди, демак, пишиқчилик мавсуми бошланди. Сабаби, орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, гилос, ўрик ва тутнинг эртаги навлари, сабзавотлардан қарам, бодринг, помидор, лавлаги, сабзи, пиёз, шунингдек, картошка сингари неъматлар етилади. Кулупнай пишиғини барча бирдек интиқиб қутишининг сабаби ҳам шунда.

Кулупнай раъногулдошлар оиласига мансуб бўлиб, унинг асли номи — ертут. Маълумотларга қараганда, бу резавор экиннинг маданий нави илк бор Нидерландияда яратилган. Бугунги кунга келиб, у Ер шарининг дەرли барча минтақаларида етиштирилади. Мамлакатимизда эса XVIII асрнинг охиридан экила бошланган.

Мутахассисларнинг фикрича, ертутнинг бошқа мевали ўсимликлардан афзал жиҳатлари кўп. Масалан, у инкичи йилданоқ ҳосилга кириб, мўл мева тугади. Ҳосил нишонлари май ойининг биринчи ўн кунлигида кўринади. Аммо шунга алоҳида эътироф этиш керакки, республикамизда деҳқон ва фермерларнинг тадбиркорлиги тугайли кейинги йилларда бундан анча эрта — апрелнинг инкичи ярмида бозорларимизга кулупнай чиқарилмоқда. Бу йил ҳам шундай бўлди. Лекин мевасининг мазаси кўнгилдагидек эмаслиги кўпчиликнинг ҳафсаласини пир қилаётгани бор гап. Хўш, кулупнай нега тахир?

53 центнердан ошириб ҳосил олишди. Асосий майдонлар Тошкент, Самарқанд ҳамда Фарғона водийси вилоятлари улушига тўғри келаяпти. Баъзи вилоятларда кишлоқ хўжалигининг бу йўналиши ҳали-ҳали йўлга қўйилмагани ажабланирлидир. Ҳақли савол тугилади: кулупнай юртимизнинг юқоридаги

худудларигагина хос экинми? Ёки бошқа худудларда ҳосилдорлиги пастми?

Суҳбатдошимиз Равшан Абдулаев бунга экин кўп меҳнат талаб



Мушоҳада қилиши билан изоҳлайди. Экин ниҳолларини қадаш августнинг ярмигача тугалланиб, деҳқон то майгача унинг бошида парвона бўлиши, ўз вақтида суғориб, бегона ўтлардан тозалаш, мунтазам чопиқ қилиши керак. Ҳосилни йиғиштириб олиш ҳам мураккаб бўлиб, тезкорлик ва эҳтиёткорликни талаб этади. Уни саноат усулида қайта ишлаш ҳали тўла йўлга қўйилмагани эса хозирча фермерлардан бозор талаби асосида иш юритишни тақозо қилмоқда. Экиннинг ҳосилдорлигига келсак, уни кам, деб бўлмайди. Кўнгилдагидек парваршиланса, ертут бор соҳаватини тўқайди: ҳар гектаридан ўртача 15 тоннадан ошириб ҳосил олиш мумкин. Баъ-

зи омилкор деҳқонлар ҳосилдорликни 30 тоннага етказишгани бунинг яққол тасдиғидир. — Зангиоталиклар азалдан ширин кулупнайлари билан машҳур, — дейди “Бойқунусов Баҳром” фермер хўжалиги раҳбари Баҳром бойқунусов. — Туманимиз аҳолиси бу инжиқ экинни парвариш

қилишнинг ҳадисини олган. Шунинг учун ҳам бу ерда ертутнинг хоҳлаган нави топилади. Биз ҳам ҳар йили кулупнай етиштирамиз. Бу йил 10 гектар майдонда унинг 3 хил насини парваршиладик. Ҳозир ҳосил фарқ пилган пайт. Уни 25-30 кун ичида саранжомлаб олиш пайдидан бўлиб, бу ишга ишчиларимиздан ташқари ёрдамчиларни ҳам жалб қилганмиз.

— Кейинги пайтда кўпчилик кулупнайнинг мазасидан нолишмаяпти. Сабаби нимада?

— Мана, еб қўриб, ўзингиз баҳо беринг. Шираси тилингизда қолмаса, мен қафил, — дейди қатъий ишонч билан фермер. — Айрим фермерлар маҳсулотини бозорга эрта чиқариб, кўпроқ даромад олиш ниятида экинни плёнка остига экади. Буни ҳам қоралаб бўлмайди: бозор талаби. Аммо бундай йўл тугилса, ўсимлик ҳосилдорлиги паст, мевасининг мазаси, айтганингиздай, тахир

Кулупнай шифобахш хусусиятлари билан янада кадрлидир. Халқ табobatiда буйрак, жигар ва ўт пуфгаги касалликлари, шунингдек, париндохотирлик ва қон босимини даволашда ертутдан фойдаланилади. Шифокорлар эса хозирги пишиқчилик мавсумида тўйиб кулупнай истеъмол қилишни тавсия этишмоқда. Бу билан организмда умумий модда алмашинуви яхшиланиб, қон таркиби янгиланади. Демак, соғлом бўлай десангиз, кулупнай энг. Мабодо, уни етиштиришга қўл урсангиз, бу ҳаракатингиз билан нафақат ўзингизни, балки бошқаларнинг ҳам саломатлигини асрашга, кишлоқ хўжалигининг сердаромад тармовини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшган бўласиз.

бўлади. Масалан, бу йил кулупнайни плёнка остига эккан деҳқонларнинг аксарияти экинни иссиққа қуйдириб қўйди. Худода шукр, бизнинг экин майдонларимизда ҳосилнинг чўғи баланд. 40 миллион сўм даромад олишни чамалаб турибмиз.

Ўзбекистон Республикаси Кишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги мутахассислари таъкидлаганидек, мамлакатимизда деҳқончиликнинг бу тармовини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Нафақат мева етиштириш ҳажмини кўпайтириш, балки уни сифатли сақлаш, қайта ишлашни ўзлаштириш ҳаракатлари жадал олиб боришмоқда. Бу сабъ-ҳаракатлардан юртимиз аҳолисига хўшхўр мевани йил давомида етказиб беришдек эзгу мақсад кўзда тутилгани янада аҳамиятлидир.

Бугунги кунда Р. Шредер номи боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий тадқиқот институтида кулупнайнинг ҳар хил муддатларда пишиб етиладиган навлари яратилмоқда. Шу мақсадда институтнинг илмий тажриба участкасида ертутнинг 73 нави коллекцияси яратилгани айни муддао бўлди. Бу чет эл навларини тадқиқ қилиш баробарида, йирик мевали, серҳосил, касаллик ва зараркунандаларга чидамли навлар яратишда қўл келаяпти. Натижанда 2009 йилда шу каби устуликларга эга “Ўзбекистон гўзали” нави яратилиб, Давлат нав синов комиссиясига топширилди.

Санд РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ ҚЎМИТАСИ

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

2000 йил 25 майда тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Қонунининг 22-моддасига асосан, Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри, Буюк Ипак йўли кўчаси, 15-уйда фаолият кўрсатаётган «ГАЗЛОЙИХА-СЕРВИС» масъулияти чекланган жамиятига 2009 йил 1 октябрда Қўмиита томонидан «Бионолар ва иншоотларнинг муҳандислик тармоқлари вазирлигининг лойиҳалаштириш: газ таъминоти, газ асбобу-қурувлари ва коррозияга қарши химояни ишлаб чиқиш» фаолияти билан шуғулланишга берилган лицензиянинг амал қилиши 2011 йил 16 майдан 10 кунга тўхтатилсин.

«ЗАНГОРИ ОЛОВ» ТАФТИ

хонадонимизга илиқлик, турмушимизга файз-барака бағишлайди

Бугун қундалиқ ҳаётимизни табиий газ таъминотисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Негаки, турмушимиз фаровонлигининг муҳим наъбаи бўлган “зангори олов” нафақат аҳоли учун қулайликлар яратишда, балки саноат ва бошқа кўплаб соҳаларнинг ишчил ривожланишида ҳам беқиёс аҳамият касб этади. Шу боис ушбу табиий неъматдан оқилона, тежамкорлик билан фойдаланиш талаб қилинади.

Маълумки, хонадонлар, корхона ва ташкилотлар, таълим-тарбия муассасаларига табиий газнинг узлуksиз ҳамда хавфсиз етказиб берилиши жойлардаги таъминотчи корхоналар зиммасига катта масъулият юклайди. Газ тармоқларини янгилаш, таъмирлаш, уларнинг босимга бардошлилигини назорат қилиш — ўта муҳим ва мураккаб жараён. Бироқ истеъмолчилар томонидан сарф этилган табиий газ ҳақининг ўз вақтида тўланмаслиги, “зангори олов”дан фойдаланиш тартиб-қоидаларига амал қилинмаслиги, исрофгарчиликка йўл қўйиш, тармоққа ноқонуний улашиш каби салбий ҳолатлар бир қатор муаммоларнинг юзага келишига сабаб бўлиши сир эмас.

ла фаоллари иштирокида жойларда ана шундай ҳолатларнинг олдини олиш юзасидан таригот ишлари олиб боришмоқда. Жумладан, жорий йилнинг ўтган 4 ойида 179 та маҳаллада таригот тадбирлари ўтказилди. Пировардида 12 минг 617 нафар истеъмолчига табиий газдан тўғри ва оқилона фойдаланиш юзасидан тушунчалар берилди.

“Хурматли истеъмолчилар! Агар хонадонингизда ёки ертўла ва йўлақларда газ ўрди ни сезсангиз, дарҳол туман ёки марказий газ авария диспетчерлик хизматининг куйидаги телефонларига мурожаат қилинг: 04; 25-44-27, 225-44-29; 253-56-19; 253-56-31”.

Бу пойтахтимиздаги хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларига ўрнатилган кўргазмали плакатларда келтирилган эслатмалардан кўчирма. Айни пайтда бундай эслатмаларни маҳалла фуқаролар йиғинлари идоралари, ўқув муассасалари ҳамда коммунал хизмат кўрсатиш корхоналарида ҳам учратиш мумкин. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида “Тошкент-



нидан ишлаб чиқилган “Тошкент шаҳар газ хўжалигини 2011 — 2012 йиллар куз-қиш мавсумига тайёрлаш юзасидан чора-тадбирлар режаси” дастурил-

Хизмат

амал бўлмоқда. Мазкур режага мувофиқ, жорий мавсумда қарийб 20 км. масофадаги газ қувурларини мукамал таъмирлаш, 1160 км. масофадаги ер ости қувурларини текшириш, ер устида жойлашган 80 километрик тармоқларни таъмирлаш, 500 км. узунликдаги қувурларни кучли ҳаво босими ёрдамида тозалаш, газ босими паст бўлган баъзи худудларда қўшимча тармоқлар ва узатиш қурилмаларини ўрнатиш сингари вазифаларни бажариш кўзда тутилган. Табиийки, бу хайрли ишлар рўёби пойтахт аҳолисини табиий газ билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш ва яхшилаш, шу билан бирга, ҳаётимиз



ушун ниятда зарур бўлган табиий неъматни тежаш имконини беради. Зеро, тежамкорлик фаровонликка элтувчи муҳим омилдир.

Усмон УСМОНОВ. 1

Ушбу жойда Сизнинг рекламанингиз бўлиши мумкин эди! «Халқ сўзи»даги Реклама бизнесингизни қўллаб-қувватлайди! Манзил: Тошкент ш., Матбуотчилар к., 32-уй. Тел.: (8-371) 232-11-15, 236-09-25. E-mail: reklama@xs.uz

ЎЗБЕКИСТОН САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ ХЎРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР! Республикаимизда тадбиркорлик фаолияти учун янада қулай муҳит яратиш мақсадида ҳафтанинг ЖУМА куни «Тадбиркорлар куни» («Оқиқ эшиклар куни») деб эълон қилинган. Тадбиркорлик фаолиятида дуч келган тўсиқ ва муаммолар юзасидан ҳамда тадбиркорликка оид барча масалаларда ҳафтанинг ЖУМА куни соат 9.00 дан 13.00 гача республикамиздаги вилоят, туман, шаҳар ҳокимликларига бевосита мурожаат қилишингиз мумкин. Сизнинг мурожаатингиз тегишли органлар томонидан қўриб чиқилиши таъминланади. Мурожаат учун телефонлар: Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси: (8-371) 150-60-06, 150-60-05; (8-800) 120-04-04 (ушбу рақамга телефон қилиш республика ҳудудида бепул ва фақат уй телефонларидан амалга оширилиши мумкин). E-mail: info@chamber.uz; callcenter@chamber.uz; law@chamber.uz

Кўнгил жиёбони



Шералининг Тошкентга келганига бир йилча бўлди. У аввалига ҳар хил юмушларга қўл уриб кўрди. Кейинги ойларида эса обрўли тadbиркор Салоҳиддин акага қарашиб, кам бўлмади. Астойдил ишлади, унинг ишончини қозонди. Аммо қайсибир кун сейфдан икки миллион сўм йўқолди. Ана тўполон, мана тўполон...

МЕҲР-ОҚИБАТ ҚЎРҒОНИ

— Сен олгансан, — деди Салоҳиддин ака газаб билан.
— Йўқ, олмадим, — дея олди у баъзур.
— Унда ким олади? Бу ерга сендан бошқа ҳеч ким қирмаган бўлса...

— Билмадим, жон ака, билмадим...
Шералининг кўнгли оғриди, ёмон оғриди. Уч кун остона хатлаб кўчага чиқмади. Ховли бурчагидаги кулбани ичкаридан тамбалаб, кўрпага бурканиб олди. Учинчи кун эшик тақиллади. Очди, қаршисида Салоҳиддин аканинг ўғли кулимсираб турарди. У:

Ҳаёт манзаралари

— Сизни дадам билан буюм қақирапти, — деди. Игитнинг юраги тез-тез ура бошлади. Ана, энди тамом, деб ўйлади у. Она-бола ўртага олса, йўқолган пулни гарданимга қўйишса, нима қиламан?..
Хонага кириб келган игит уларнинг юзига ҳадиксираб қаради-ю, ичи ёришиб кетди. Айниқса, онанинг нурли чеҳрасига боқиб, унинг қаттиқ гап айтмаслигини илғаб олиш кўнгли эмасди.

— Кел, болам, — деди у. — Чақирмасам, кулбандан чиқай, демаясин. Сен тўғри боласан. Шундай экан, бўйинингни қисма, бошингни баланд кўтар!
— Ўйлавериб, сиқилиб кетдим.
— Ҳа, бу жуда оғир! Ахир, тухматни кўтариш осонми? Мен акага айтдим, — у қўли билан Салоҳиддинни кўрсатди. — болада гуноҳ бўлмаса, уни нега қўянапсан, дедим. Гумон яхши эмас, гумон имондан айиради. Салоҳиддин акадан хафа бўлма, у аччиқ устиданима деса, деди. Сендай боланинг ўғирлик қилмаслигини у яхши билади.

Алишер Навоий
буюклигининг қирраларидан бири шуки,
у ўзининг теран фикрларини образли тарзда
ифодалаш учун оддий ҳаётий
воқеалардан ҳам бекиёс маҳорат
билан фойдаланади.

Жумладан, бир байтида "Уй салгина қимирласа, кулаб тушмасин, босиб қолмасин-да, деб соҳиб қанчалик бетоқат бўлади. Шундай экан, бу айланувчи, доим ҳаракатда бўлган фалак остида тинчлик-хотиржамлик бўлмаслиги кишини ҳайрон қолдирмайди", дейди:

Уйки, адно тебранур,
сокинга хотир жамъ эмас,
Не жабаб, гар амн йўқтур
гунбади гардон аро.
Мана бу байт аввалгисини гўё-ки давом эттиради:
Чархи дойир бахриддин
эл тутмасун соҳил умид —
Ким, кутулмас ҳар кишиким,
тушти бу гирдоб аро.
"Бу хамиша айлаиб турувчи фалак денгизидан ҳеч ким соҳилга чиқиб нажот топишни умид қилмасин, чунки бу гирдоб аро тушган киши учун халос бўлишнинг имкони йўқ".
"Чойга новот солсанг ширин бўлган каби, лабинг хаёли кўнглимга тушса, мен ҳам шод бўламан", дейди бир байтида:



Сода кўнглум ичра
лаълингнинг хаёли
тушғали,
Шишаедурким, анинг ичига
солмишлар набот.
Буюклиқнинг бир белгиси энг оддий нарсадан энг гўзал ташбеҳ яратиш бўлса керак: бўлмаса, новот чой қайда-ю, ёр ёдини қилувчи шод кўнгли қаёқда?! Бундай нозик ўхшашликни топиш ва тасвирлаш — сўз устасининг маҳорати!
Аслида, шoirнинг шoirлиги ҳамма кўриб, ҳеч ким эътибор бермайдиган нарсалардан ҳам гўзаллик топиб, ҳаммининг эътиборини унга жалб эта олишда. Кўзга ташланмайдиган нарсани

диққат марказига кўчиришда. Энг кўрimsиз нарсадан ҳам энг гўзал жиҳат топиб, ўқувчида унга нисбатан меҳру муҳаббат уйғотишда. Бу жиҳатдан Алишер Навоий — тенги йўқ санъаткор. Мана бу кундалик ҳаётдан олинган, оддий ва самимий, лекин гўзал ташбеҳ-ни қаранг:

"Сиз кўриб турганингиз бу кулбам гишларининг дарзи эмас, балки манинг ҳолимга фарёд чекиш учун эшигу девор оғзини яланг очибди".
Кўрииб турибдики, шoir ҳаётни, табиатни, одамларни синчковлик билан кузатади ва теваврак-атрофдан, турмушдан ўз

деса тойилади (шунинг учун ҳам мен уйқузиман)". Яъни мен жон деб ухлар эдим-у, аммо уйқу мен сари йўл тополмайпти: кўз ёши тўка-тўка тупроқдан яралган ву-

Юксак сўз санъати

Бульжаблғлар баҳори
ишқ аро кўрким, мени
Гаҳ булутдек йиллатур,
гоҳе чоқиндек қулдурур.
"Ишқ баҳорининг ажойиб ишларини кўрким, мени гоҳ булут-

Навоийни англаш

дек йилгатади, гоҳ эса чақмоқдек қулдиради".
Ишқ табиати, ошiq аҳолини табиий тимсолу ташбеҳлар воситасида ана шундай содда ва самимий, айни пайтда гўзал ва таъсирчан тасвирлайди.
Ёки қуйидаги тимсолу ташбеҳларнинг оҳорлигини кўринг:
Кулбанинг эмас хишлари
дарзими, очмиш
Ҳолимга фиғон қилғали
оғзин дару девор.

фикрини гўзал ва таъсирчан ифодалаш учун ҳеч ким кутмаган ташбеҳлар топиб, ҳаммани ҳайрон лол қолдиради. Жумладан, куйидаги байтида уйда ўт ёнганини тутун билдирганидек, кўнглимда ишқ борлигини ёр ишқиде чеккан оҳим элга фош қилди, дейди:
Халқ ичра кўнгул ишқини
фош айлади оҳим,
Уй ичиде ўт бор эркини
дуд этар изҳор.
Ишқ дастидан уйқуслик дардига йўлиққанини эса мана бундай образли йўсинда ифодалайди:
Сиришқ айлади хокий
танимини андоққим,
Қадам қўйи деса уйқу
кўзумга, тойиладур.
"Кўзимнинг ёшидан бу хокий вужудим шунчалик аҳволга келдики, уйқу кўзимга қадам қўйи

жудим замини сирпанчиқ бўлиб қолди.
Яна бир байтида "Қонли ёш билан юзимга ёзилар экан, кўнгли афсоналарини қандай қилиб ҳам яширай", дейди:
Кўнгул фасоналари, сизни,
вах, нетиб яшурай,
Бу навқим, юз уза қон ёш
ила ёзиласиз.
Ёки куйидаги байтида қадди эгилган киши асога суняиб юрганидек, менинг хаста кўнглимга киприқлари таянчдир, дейди:
Эй Навоий, хаста кўнглумга
мададдур новаки,
Рост андоққим, заиф элга
берур қувват асо.
Навоий даҳоси ана шундай ҳаётий ва бетакорлиғи билан кишини ўзига жалб этади.
Эргаш ОЧИЛОВ.

УСТОЗ ВА ШОГИРД

Афлотун ўзига шогирд танлаш учун даъвогарлар-ни йигиб, кенг далага олиб чиқибди. Сўнг биринчи даъвогарни сўроққа туттибди.

— Қани, айт-чи, атрофинг-да нималарни кўраясан?
— Майсаларни, қўйларни боқаятган чўпонларни, яна кўп молларни...
Бундай жавобдан қониқмаган Афлотун қўл силтабди.
— Сендан асло файласуф чиқмайди. Минг урин, бефойда. Бунга эриша олмайсан.
Ҳафсаласи пир бўлган

бўлган ўт-ўланлар ушбу гўзалликдан янада кўпроқ баҳраманд бўлиш истагида осмон сари талпинмоқдалар. Тенгсиз чиройга махлиё бўлган қўйлар эса атрофга тарқалиб, ўт-ўланларга суқланиб боқмоқдалар. Бирок қўйларнинг очлик туфайли пайдо бўлган манфаати маҳлиёликдан устун келаётгани боис ўт-ўланларга қирон етмоқда. Бундан мамнунлигини яширолмаётган подачилар хали нақд бўлмаган фойдани ўйлаб, ҳар хил хом режалар тuzмоқдалар. Айнан мана шу вазиятда мен қарам-қаршиликлар борлигини кўрмоқдаман.
Шогирдликка даъвогар яна анча гапни айтмоқчи экан, бироқ Афлотун уни кучоқлаб олиб, исмини сўради.
— Арасту, — деб жавоб қайтарди шогирдликка номзод.

Ривоят

Афлотун иккинчи номзоднинг елкасига қўлини қўйибди-да, дебди:
— Балки сен бошқа нарсаларни кўраётгандирсан?
— Ҳа, устоз! Осмон гўзаллигидан бағоят мутаассир бўлган шогирдликка номзод.

Қариси бор уйнинг париси бор



Бобо айтур: шукр дейман, етдим даврон бахтига, Кўрдим, азиз фарзандларим, саодатнинг тахтида.
Носир ҲАЙДАРОВ олган сурат.

Асл кўйлар табиат гўзалликлари воситасида дунёга келиши, шубҳасиз. Муסיқа — кўнгли мулки, руҳиятга чексиз қувват бағишловчи куч эканлигининг босиси ҳам шунда. Зеро, табиат ва инсон моҳиятан муштаракдир.
Капалак қанотининг пирпираши, булоқ сувининг хилдаришдан тортиб, момақалдироқнинг гумбуригача, булбулнинг ажиб сасидан то арслон навра-сигача — барча-барчаси табиий симфониянинг бетақор намуналаридир. Инсоният ана шу бири-бирига ўхшамайдиган, аммо айни пайтда ўзаро уйғун оҳанглардан ҳаммиша илҳом олиб, бекиёс асарлар яратган.

Бу қизик!

қанда қилмаган: "Мен, аслида, физик эмас, скрипкачман".
Кўпчилик муסיқа шинавандалари "As Slow as Possible" номли пьесани яхши биладилар. Унинг мазмуни "Қанча секин бўлса, шунча яхши". Шунинг учун бу асар фортепьянода 70 дақиқа давомида ижро этилади. Буни қарангки, Германиянинг Хальберштадт шаҳрилик санъаткорлар мазкур кўйни 2001 йилда чалишни бошлаб, ушбу жараёни авлоддан-авлодга ўтказиш йўли билан 2640 йилда тугатишни мақсад қилганлар.
С. МАХСУМОВ тайёрлади.

МУСИҚА ОЛАМИГА САЙР

у тарихга "Чапақай пианиночи" тахаллуси билан кирди.
Дунёга машҳур композитор Бетховен янги муסיқа асарини ижод қилишга киришишдан олдин бошини маълум вақт бир тоғора муздек сувга тикиб турган. У шу орқали ўз тафаккурини ортиқча ўй-хаёллардан тозалagan

ларидан бирида ўзи суйган му-сиқа асарини катта маҳорат билан томошабинлар эътиборига ҳавола этган. Эртаси кунни маҳаллий нашрларда "буюк чолғучи" Альберт ҳақида мақола эълон қилинган. Олим эса ана шу газетани доим ёнида сақлаб юрган ва бу ҳақда танишларига мақта-ниб, жумладан, шундай дейиши

Боқий сатрлар

Жалолиддин Румийни "Шарқнинг тафаккур машъаласи", дейишади. Дарҳақиқат, шундай. Унинг 25700 байтли "Маснавий" асарини инсон қалби, ҳиссиётлари, фикрати, ботинидаги мўъжизалар ифодаси, дейиш мумкин. Чунки, "Маснавий"даги "Англағил най не ҳикоятлар қилур ким жудойидин шикоятлар қилур" байтига шу пайтга қадар минглаб шарҳлар битилган. Сабаби оддий. Най — бу қалб рамзи. Инсоннинг маҳзани. Орзу-умидлари, бугуни ва эртасининг симфониясини ижро этиб берувчи қудрат. Шу боис "Най"ни англашга бўлган интилиш ҳеч қачон сўнмайди. Эътиборингизга Румийнинг айрим рубойларидан ҳавола этарканмиз, ўйлаимизки, улар кўнглингизни нурафшон айлағай.

Англағил, най не ҳикоятлар қилур...

Мен зарраву хуршедлик оймим сенсан,
Бемор гагингману давойим сенсан,
Учмоққа қанот йўқ вале, учгайман,
Сомон бўлиман, қаҳрабойим сенсан.

Ишқ — авжи камол эмиш, санам — авжи жамол,
Кўнгул тўла сўзу сўз тил айттали лол.
Вой, менга ёронлар, бу не холдир, бу не хол,
Мен ташна олдимдан оқар оби зилол...

Эй сарви равон, ҳеч ҳазонлик кўрма,
Эй чашми жаҳон, ҳеч ёмонлик кўрма.
Эй жон, ки жон дер сени осмону замин,
Роҳат бори кўргилки, зиёнлик кўрма.

Эй лол, юзимга термулиб, ранг ўрган,
Эй Зухра, дилим талошидан жанг ўрган.
Ул лаҳзаки анграр эса оҳанги висол,
Эй баhti абад, келгилу оҳанг ўрган...
Тоҳир ҚАҲҲОР таржимаси.

НОДИР МЕРОС

Али ибн Абу Толиб айтиди-лар: "Илим — кишининг дўсти, ақл — йўлбошчиси, ҳалимлик — вазири, амал — қўмондон, сабр — қўшнинг амира, мулойимлик — отаси, яхшилик — акаси". Сўнг ўғиллари Ҳасанга: "Эй ўғлим, доимо кўриб турадиган кишингни ҳеч енгил санама. Агар у сендан катта бўлса, отанг

АҚЛ ХУСУСИДА

ҳисобла, агар ўзинга ўхшаш бўлса, ака бил, агар кичкина бўлса, ўғил бил", деб насиҳат қилдилар.
Баъзи ҳукамолар, оқил ким, деб сўралганда: "Ошқора қилишдан ҳаё қиладиган ишни махфий ҳолатда ҳам қилмайдиган кишидир", дейишди.
Луқмони Ҳаким ўғлига: "Эй ўғлим, яхши ҳолатни талаб қилиш — илминг ярми, инсонлар билан дўстлашиш — ақлнинг ярми, яшашда тadbир қилиш — касбнинг ярми", деганлар.
Айтиладики, саккиз насага аҳамият бермаган киши ўзини маломат қилсин: қақирилмаган зиёфатга борувчи, уй эгасига бўйқуқ берувчи, душманларидан яхшилик истовчи, пастхашдан фазилат талаб қилувчи, гаплашиб турган икки кишининг орасига кирувчи, султонни менсимаган киши, ўзи муносиб бўлмаган мажлисда ўтирувчи, кулоқ солмаётган кишига гапирувчи...
Абу Лайс САМАРҚАНДИЙ.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълолар 232-11-15.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 503. 68231 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

1-Тижорат материал

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.30 Топширилди — 23.10 1 2 3 4 5

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамдод.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
Мусахҳиҳ — Ш. Машраббоев.